# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

2022
1-son

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal



ISSN 2181-8274

*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal.*
*1996-yilda tashkil etilgan.*

Tahrir hay'ati raisi:
**Sh.U.Yakubov**
Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi direktori

Tahrir hay'ati raisi o'rinbosari:
**M.X.Esanov**

Bosh muharrir:
**A.T.Eshmurodov**

Bosh muharrir o'rinbosari:
**A.A.Sabriyev**

Tahrir hay'ati a'zolari:
**L.R.Zaripov**
**M.Tajiyev**
**Sh.A.Rasulov**
**G.K.Baxodirova**
**S.Q.Maxsumova**
**S.S.Samandarova**
**O.N.Toshpulatov**
**S.S.G'oziyev**
**Sh.Sh.Sabirova**

Jamoatchilik kengashi a'zolari:
**Q.X.Abduraxmanov**
**Sh.T.Qudratxo'ja**
**G.Sh.Rixsiyeva**
**Sh.S.Sirojiddinov**
**R.I.Xolmurodov**
**A.I.Toshpulatov**
**N.M.Jabborov**
**M.A.Raxmatullaev**
**T.Z.Teshabayev**
**M.Q.Sultonov**

Dizaynerlar:
**M.Yo'ldashev**
**Sh.B.Sobirov**

# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

**Bobir Azimov, Fazliddin Toshev, Dilnoza Raximova.**
"Ilmiy tadqiqot va innovatsion faoliyatni tashkil etish va moliyalashtirish modellari" ..... 4

**Jasurbek Azamov.**
"Oliy ta'limda boshqaruv samaradorligini oshirish va uni bozor qonuniyatlariga moslashtirish tamoyillari" ..... 9

**Тармиза Хурвалиева, Раъно Носирова.**
"Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш тамойиллари ва самарали йўллари" ..... 12

**Ахмад Мухамметов.**
"Спорт-соғломлаштириш машғулотларида юкламаларни меъёрлаштиришнинг илмий асослари" ..... 17

**Sojida Ashirova.**
"Shaxs psixologiyasida pozitivlik va uning "ijobiy psixologiya"da talqin etilishi" ..... 21

**Эргаш Махманов.**
"Физикадан лаборатория машғулотларини инновацион ёндашув асосида ўтказиш орқали талабаларнинг физик компетентлигини шакллантириш" ..... 24

**Surayyo Arziqulova.**
"Qo'g'irchoq teatri personajlarini yasash orqali maktabgacha yoshdagi bolalar badiiy-ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishning tarbiyaviy ahamiyati" ..... 30

**Lazizbek Abdirahmonov.**
"Jismoniy madaniyat talabalarining uzluksiz pedagogik amaliyot davrida o'z-o'zini takomillashtirish jarayonining ta'limiy asoslari" ..... 33

**Orzigul Ruziyeva.**
"Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida integratsiyalashgan mashg'ulotlar jarayonida musiqiy idrokni shakllantirish pedagogik shart sharoitlar" ..... 36

**Нурислом Худойбердиев.**
"Мактаб ўқитувчиларининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантирищда хорижий тажриба" ..... 39

**Ҳамида Мирсултанова.**
"Ахборот манбаси тушунчаси ва унинг журналистика тараққиётидаги ўрни" ..... 42

**Muassislar:**
*O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi,*
*Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi*

**Manzil:** 100095, Toshkent shahri, Olmazor tumani, Shifo nur ko'chasi, 75-uy
**Telefon:** (71) 207-03-41
**e-mail:** rmxat@edu.uz

**Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligidan 2014 yil 26 dekabrda 0506 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.**

*Jurnal har oyda o'zbek, rus va ingliz tillarida elektron shaklda chop etiladi.*

"Ta'lim, fan va innovatsiya" jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2015 yil 18 noyabrdagi 218/5-sonli qarori bilan 13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI bo'yicha, 2018 yil 28 noyabrdagi 247/6-sonli qarori bilan 23.00.00 – SIYOSIY FANLAR bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

"Ta'lim, fan va innovatsiya" jurnalidan ko'chirib bosish faqat tahririyatning roziligi bilan amalga oshiriladi. Maqolada keltirilgan faktlarning to'g'riligi uchun muallif mas'uldir. Tahririyat fikri mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin.

*Jurnalning to'liq matnini **esijournal.uz** rasmiy saytidan yuklab olishingiz mumkin.*

*Maqola va murojaatlarningizni **@esijournalbot** telegram bot'iga yuboring.*

**Umar G'oyimov.**
"Boshlang'ich ta'lim yo'nalishi talabalarining refleksiv qobiliyatini shakllantirishda pedagogik metodlar" ........ 46

**Лайло Шахриддинова.**
"Способы повышения физической активности у женщин старшего возраста" ........ 49

**Шаҳобиддин Мусаев.**
"Оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя қилиниши таҳлили" ........ 52

**Шахноза Холова.**
"Талаба қизлар жисмоний фаоллигини ошириш методикаси" ........ 55

**Sadriddin Xodjibekov.**
"Texnik oliy o'quv yurti talablarini o'qitishda kimyo ta'limni tashkil etish" ........ 59

**Ирода Расулова.**
"Оиладаги шахслараро зўравонликка мойил хулқ-атворнинг намоён бўлиш мотивлари" ........ 62

**Мухлис Сафаров.**
"Фан-таълим интеграциялашувининг ёшлар сиёсий онги ва маданияти модернизациялашишига таъсирининг футурологик истиқболлари" ........ 65

**Санобар Кулдашева.**
"Она тилини ўқитишда мультимедиа воситалари асосида ёндашув" ... 69

**Турсун Ҳайитов.**
"Жисмоний маданиятни шакллантириш масалалари" ........ 72

**Меҳринигор Раупова.**
"Квазипрофессионал фаолият ва унинг аҳамияти" ........ 77

**Lutfulla Nurmaxmatov.**
"Kredit moduli asosida talabalar bilimini baholash tizimining ahamiyati va taraqqiyot bosqichlari" ........ 81

**Gulhayo Sayfullayeva.**
"Astronomiyani o'qitishda planetariy dasturlarning o'rni va ahamiyati" ... 84

**Акбаржон Расулов.**
"Иқтисодий билим асослари" бўйича фан ойлигини ўтказиш юзасидан методик тавсия" ........ 87

**Сайёра Тўраева.**
"Ўқитувчилар мослашувчанлик компетентлигини ривожлантиришнинг айрим масалалари" ........ 90

# “ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ” БЎЙИЧА ФАН ОЙЛИГИНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН МЕТОДИК ТАВСИЯ

**Акбаржон Расулов,**
Чирчик давлат педагогика институти
Педагогика ва менежмент кафедраси мустақил тадқиқотчиси

***Аннотация***
*Мақолада “Иқтисодий билим асослари” бўйича фан ойлигини ўтказиш юзасидан методик тавсиялар ёритилган. Шунингдек, ушбу методикани такоминлаштириш орқали мактаб ўқувчиларининг таълимни ўзлаштириши шарт-шароитлари масаласи муҳокама этилган.*
***Калит сўзлар:*** *иқтисодиёт тармоқлари, инновацион жараёнлар, молиялаштириш, интеграция, миллий иқтисодиёт.*

***Аннотация***
*В статье освешён вопрос методических указаниях по профедению месячника науки по “Основам экономических знаний”. Также, путем совершенствования данной методики обсуждены вопросы условий усвоения образования учениками школ.*
***Ключевые слова:*** *отрасли экономики, инновационные процессы, финансирование, интеграция, национальная экономика.*

***Annotation***
*The article highlights the issue of methodological guidelines for the teaching of the month of science on the “Fundamentals of Economic Knowledge”. Also, by improving this methodology, the issues of the conditions for the assimilation of education by schoolchildren were discussed.*
***Keywords:*** *sectors of the economy, innovation processes, financing, integration, national economy.*

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий таълимнинг барча босқичларида ўқув дастурлари изчиллиги ва ўзаро мувофиқлиги таъминланди. “Иқтисодий билим асослари” ўқув дастурларида умумий ва қўшимча таълимнинг интеграциялашувини, шу билан бирга, ўқитиш мазмун-моҳиятини реал ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштириш кўзда тутилади. Шу мақсадда 1-4 синфларда “Иқтисод ва солиқ алифбоси”, 5-7 синфларда “Иқтисод ва солиқ сабоқлари”, 8-9 синфларда “Солиққа тортиш асослари” ўқув курслари бошланғич синфларда “Атрофимиздаги олам”, “Ўқиш”, “Математика”, “Одобнома”, “Меҳнат”, юқори синфларда эса “Математика”, “Геогграфия”, “Тарих”, “Меҳнат” ва “Миллий истиқлол ва маънавият асослари” туркумига кирувчи фанлар дастурларига интеграцион ёндашув асосида дарслар ўтилиши ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини 2012 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида 2012 йилда иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга оширишга доир кўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларга эришиш, иқтисодиётинг барча жабҳаларини мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш, 2012 йилда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаш учун мустаҳкам асос бўлиш имконини берди.

Мустақиллик йилларида юртимизда кенг миқёсдаги солиқ ислоҳатлари амалга оширилди. Бунинг натижасида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган давлат бюджетини тўлдиришни, зарур давлат харажатларини молиялаштиришни таъминлайдиган ва шунингдек, аҳоли даромадлари ўсишини, иқтисодиётни модернизация қилиш, унинг янги тармоқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирадиган замонавий солиқ тизими яратилди. Иқтисодиётда солиқ юкининг босқичма-босқич камайтирилиши – олиб борилаётган солиқ ислоҳотларининг энг муҳим натижаси, юқори иқтисодий ўсиш суратларини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлди.

Умумтаълим мактаб ўқувчиларига ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда солиқ ва солиқ тўловлари тўғрисидаги билимларни бериш, ўсиб келаётган

ёш авлодда солиқ ва солиқ тўловларининг аҳамияти ва роли тўғрисидаги билимларни шакллантириш, уларга солиқлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларни бериш, солиқларнинг тарихи, моҳияти, тўлаш тартиблари, солиқларни халқ ва давлат фаровонлиги манбаи эканлиги ҳақидаги бошланғич билимларни шакллантириш мақсадида дарсдан ташқари вақтларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Қўмитаси (ДСҚ) билан ҳамкорликда тадбирлар ва "Иқтисод ва солиқ сабоқлари" тўгаракларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

"Иқтисодий билим асослари" фанини ўқитишда ахборот-коммуникация ва илғор педагогик технологияларни татбиқ этган ҳолда билим бериш, дарснинг қизиқарли бўлиши, ўқувчиларнинг билимини оширишга асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Мазкур ислоҳотлар замирида Ўзбекистоннинг таълим тизимида янги бир фан – "Иқтисодий билим асослари" фанининг ўқитилиши жорий этилди. Мазкур фаннинг жорий этилишидан кўзланган мақсад ёш авлодга замонавий билимлар бериш, касб-ҳунар ўргатиш, иқтидори, қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини ўстириш, уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, эзгу фазилатларга садоқат руҳида, замонавий иқтисодий хулқ-атвор нормаларини, иқтисодий маданиятни эгаллаш, иқтисодий фикрлашни шакллантириш, меҳнат воситаларига ва натижаларига тежамкорлик муносабатини тарбиялашдан иборат.

"Иқтисодий билим асослари" фанининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлайди, иқтисодий саводхонликларини юксалтириб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда иқтисодий таълимни амалга оширилишида таълим-тарбиянинг узвий ва узлуксизлиги катта аҳамият касб этади. "Иқтисодий билим асослари" фанидан ташкил этиладиган фан ойлигини ўтказишдан мақсад:

– Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий соҳада эришган ютуқларини тарғиб қилиш;

– ўқувчиларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, янги иқтсодий маданият, янгича иқтисодий фикрлаш ва тафаккурни шакллантириш;

– ўқувчиларнинг иқтисод фани бўйича олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаш;

– солиқ бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

– иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш йўлларининг янги қирраларини яратиш;

– ҳозирги замон фан ва техникаси, ахборот технологиялари, иқтисод фанига кириб келаётган янгиликлар, дунёдаги иқтисодий ўзгаришлар билан доимо танишиб бориш кўникмасини шакллантириш;

– таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий маҳоратини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш;

– илғор педагогик тажрибаларини оммалаштириш ва б.

Ойлик муддати тўрт ҳафтадан иборат бўлиб, ҳар бир ҳафта учун аниқ бир йўналиш асосида тадбирлар ижтимоий фанлар услуб бирлашмаси томонидан ўтказиладиган кунлик, ҳафталик тадбирлар режалаштирилади.

Мазкур тадбирлар мактабнинг йиллик иш режасига киритилади, педагогика кенгашида тасдиқланиб, ижроси муҳокама қилинади. Фан ойлиги режасида бошланғич синфларнинг ҳамда юқори синф ўқувчиларининг имкониятлари ва ёш хусусиятлари эътиборга олган ҳолда тадбирлар белгиланади.

Ташкил этиладиган тадбирларда интерактив топшириқлар, савол ва қўшимча материаллардан фойдаланиш ўқувчиларда кўпроқ қизиқиш уйғотади.

Шунингдек, ойлик давомида ўқув режадаги мавзулар асосида очиқ дарслар ташкил қилиш, ўқувчилар ўртасида ижодий ишлар (рефератлар) танловини ўтказиш, ҳудудий ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсиялар уюштириш ва иқтисодчи олимлар билан учрашувлар ташкил қилиш, фан ойлиги давомида оммавий ахборот воситаларида, интернетнинг WEB саҳифаларида маълумотлар бериб борилиши ҳам тавсия этилади.

"Иқтисодий билим асослари" фани бўйича очиқ дарсларни ташкил қилишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш керак бўлади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

*1. In M.Lewis& J.M. Haviland (Eds.). Handbook of emotions (2nd ed.). – N.Y.: Guilford, 2000. – P. 504 – 520.*

*2. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: "Iqtisod-moliya", 2010. –728.*

*3. Ўлмасов А., Вахобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: "Iqtisodmoliya", 2014. –480.*

*4. Мирзиёйев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56.*

*5. Зокирова, Д. Н. (2021). INTEGRATION OF PROFESSIONAL AND EDUCATIONAL DISCIPLINES INTO TRAINING OF SELF-LEARNING MOTIVATED STUDENTS. Современное образование (Узбекистан), (6), 24-28.*

*6. Usubovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022). METHODOLOGY OF USING CONNECTING ELEMENTS OF SCIENCE IN THE ORGANIZATION OF INDEPENDENT WORK OF THE SCIENCE OF HYDROELECTRIC POWER STATIONS. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(3), 654-661.*

*7. Nematillaevna, Z. D. (2021). Problems in providing independent learning education and ways to prevent them. ACADEMICIA: AN*

*INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(1), 1431-1436.*

*8. Zokirova, D. N. (2021). Goals And Objectives Of Organizing Independent Work Of Students. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(01), 179-182.*

*9. Зокирова, Д. Н. (2018). Мустақил ўрганишга ундаш орқали таълим беришда гуруҳ бўлиб ишлашни қўллаб-қувватлаш. Научное знание современности, (4), 15-21.*

*10. Otamirzaev, O. U., & Zokirova, D. N. (2019). PROBLEMS ARISING WHEN APPLYING THE "BOOMERANG" METHOD IN THE COURSE OF TRAINING AND METHODS FOR THEIR ELIMINATION. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(11), 270-274.*

*11. Usubovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022, April). INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANIB TALABALARNING MUSTAQIL FIKRLASHLARINI SHAKLLANTIRISH. In E Conference Zone (pp. 101-105).*

*12. Sayfullayeva, D. A., Tosheva, N. M., Nematova, L. H., Zokirova, D. N., & Inoyatov, I. S. (2021). Methodology of using innovative technologies in technical institutions. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 7505-7522.*

*13. https://www.oak.uz/*

*14. https://rgsbm.uz/*

*15. https://arm.tdpushf.uz/*